

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Ү.и.22.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ОЛИМ РАИМКУЛОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИГА ОИД
ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Файзиев Олим Раимкулович

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига оид қонунчилик
ҳужжатларини ривожлантириш 3

Fayziyev Olim Raimkulovich

Improvement of legislative documents related to appeals of individuals and
legal entities 29

Файзиев Олим Раимкулович

Совершенствование актов законодательства в сфере обращений
физических и юридических лиц 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ОЛИМ РАИМКУЛОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИГА ОИД
ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Yu127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳусанов Озод Тиллабаевич
юридик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Ахтам Саломович
юридик фанлари доктори, профессор

Муҳамедов Ўткирбек Ҳазратқулович
юридик фанлари доктори, профессор

Тулътеев Ильяс Тавасович,
юридик фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 11 декабрдаги соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (996-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 29 ноябрда тарқатилди.

(2021 йил 29 ноябрдаги 14-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлари доктори, профессор в.б.

М.А.Аҳмедшаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аксарият мамлакатлар асосий қонунларида ҳар кимнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий институт сифатида белгиланган бўлиб, бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, аҳоли мурожаатлари билан ишлашни алоҳида соҳалар бўйича таҳлил қилишга ва такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар, шу жумладан, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида асосий фокуслар мурожаатлар билан ишлаш жараёнига психологларни жалб қилиш, мурожаат қилувчилар билан бевосита шуғулланувчи менежерлар фаолиятини йўлга қўйиш, мурожаатлар билан ишловчи масъуллар малакасини ошириш ва уларни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, манфаатдор шахслар томонидан ўзларига тааллуқли мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ҳолатини ҳар бир босқичда мунтазам кузатиб бориш ва натижаларини баҳолаш имкониятларини яратиш, ахборот технологиялари қулайликларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир шахсга ўзи учун зарур бўлган сифатли ва ишончли ахборотларни олиш имконини берувчи платформаларни яратиш, расмий ва норасмий медиация моделларини қўллаш орқали мурожаатлар келиб тушишининг олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституция даражасида белгиланган бўлиб, ҳар бир шахснинг ушбу конституциявий ҳуқуқни сўзсиз амалга ошириши учун кейинги беш йил ичида зарур шароитлар ва ҳуқуқий механизмлар яратилди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Халқ қабулхоналари том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратилиши ва парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинishiга¹ оид концептуал ғоялар илгари сурилмоқда.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ–5633-сон “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017–2021 йилларда

¹ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи, <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2721-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 19 февралдаги ПҚ-4197-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга, уларни янада такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Graz (Австрия), University of Genova (Италия), Turiba University (Латвия), Mykolas Romeris University (Литва), Valensia University (Испания), Brunel University, University of Bristol, University of Leeds, Durham University, Birkbeck College (Буюк Британия), University of South Florida, St. John’s University (АҚШ), Norwegian Police University College (Норвегия), Grenoble Business School (Франция), University of Leiden (Нидерландия), ETH Zurich, Dirk Brockmann Humboldt Universita’t zu Berlin, Robert Koch-Institute (Германия)да олиб борилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича хорижий тадқиқотларда мурожаатларни автоматлаштирилган тарзда таснифлаш моделлари ишлаб чиқилган (Wuhan University), мурожаатларнинг ҳал этилиши билан мурожаат этувчиларнинг лоялиги (ижобий муносабати) ўртасидаги боғланиш эркакларга нисбатан аёлларда юқорилиги, мурожаат этувчининг маданияти ортгани сайин бу боғланиш янада кучайиши аниқланган (Michigan State University), соғлиқни сақлаш (Ulster University) ва темир йўл соҳасида шикоятлар билан самарали ишлаш тизими мурожаат этувчиларнинг манфаатига йўналтирилган, бепул, оддий ва фойдаланиш учун қулай, содда ва тушунарли, объектив ва адолатли, очиқ ва ҳисобдор, доимо такомиллашиб боровчи хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги кўрсатиб берилган (Queen Margaret University), иш жойларидаги камчиликлар

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uni-graz.at/de, unige.it/en, www.turiba.uni, www.mruni.eu/en, www.uv.es/uvweb/college/en/university, www.ulster.ac.uk, www.qmu.ac.uk, www.msu.edu, www.usf.edu, www.stjohns.edu, en.whu.edu.cn, www.mdx.ac.uk, www.gre.ac.uk, www.brunel.ac.uk, www.bristol.ac.uk, www.politihogskolen.no/en, www.uio.no/english, en.grenoble-em.com, www.ox.ac.uk, www.leeds.ac.uk, www.durham.ac.uk, www.bbk.ac.uk, www.universiteitleiden.nl/en, ETH Zurich-www.ethz.ch, www.rocs.hu-berlin.de, www.rki.de.

тўғрисида хабар берувчиларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган (University of Oslo, University of Greenwich); электрон петицияларнинг овоз йиғиш динамикаси таҳлил қилинган, петицияларнинг овоз тўплаш жараёнида биринчи соатлардаёқ максимал овоз йиғиб олишга йўналтирилган, кенг тарқалиши учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни назарда тутувчи самарали усуллар жорий этилган (University of Oxford).

Дунёда мурожаатлар билан ишлашни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан, шу жумладан, самарадорлик, очиклик, шаффофлик, натижадорлик, зарур ахборот ва ресурс билан таъминланганлик нуқтаи-назаридан такомиллаштириш, қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида хабар берувчи шахсларнинг таъқиб қилиниши, иш жойини йўқотиши, обрўсизлантирилиши ва бошқа шаклларда моддий ва маънавий зарар кўришига олиб келиши мумкин бўлган таъсирлардан ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мурожаатлар билан ишлаш, низоларни бошқариш ва ҳал этиш йўллари, мурожаат этувчиларнинг ўз мурожаатлари кўриб чиқилиши натижаларидан қаноатланиши қонуниятлари, ахборот олишга бўлган ҳуқуқлар ҳимояси, мурожаатлар матнини таҳлил қилиш асосида автоматик таснифлаш; қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида давлат институтларига хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмлар, бу борада халқаро принциплар, соҳага оид этик ва маданий масалалар, бундай шахсларга тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш; петиция институти моҳияти, унинг вақт, макон ва сиёсий тизимлар кесимида ривожланиши, оммавий онлайн петицияларни тавсифлаш, электрон петициялар тизимининг парламент ва аҳолининг ўзаро алоқадорлигидаги самарадорлик мезонларини белгилаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлаш ва мурожаатларни кўриб чиқиш масалалари алоҳида десертация тадқиқоти объекти сифатида О.Т.Хусанов, С.Б.Юсупов ва С.О.Юлдашов томонидан тадқиқ этилган. Мурожаатлар институтининг айрим жиҳатлари Ҳ.Т.Азизов, Х.Р.Алимов, Ш.М.Асьянов, Д.Г.Ахрарова, А.В.Гафуров, А.Жумабоев, Ш.Зокиров, А.Т.Исабаев, З.М.Исломов, Н.Т.Исмоилов, З.Каримов, О.Каримова, Р.Кучкаров, М.Миракулов, А.Р.Мўминов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Ж.Очилдиев, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, У.Таджиханов, М.А.Тиллабаев, И.Т.Тулътеев, А.М.Ҳошимхонов, Ҳ.Тўйчиева, Ф.П.Хайитбоев, И.А.Хамедов, Б.Э.Қосимов, Б.Қобулов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда мурожаатлар институти тадқиқот объекти сифатида кўпгина олимлар, хусусан, О.А.Антонова, П.А.Беяков, С.В.Васильева, А.А.Дворак, В.С.Кухливский, Я.Э.Меженин, В.А.Мещерягина, М.А.Миронов, А.В.Савоськин, И.Х.Саидов, Д.А.Сергеева, А.А.Титов, Е.В.Третьякович, С.А.Широбоков, Tiago Tiburcio, Christian Neumann, Brita Bjørkelo, Beverly Henkel, Suat Çubukçu, Rosdi Bin Haji Abdul Aziz, Shafiq Ibrahim Al-Haddad, Alireza Faed, Lucas Böttcher, Esraa Abd El-Aziz Abd El-Sadek Afify, Taha Yasser¹ ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

¹ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Шундай бўлса-да, мурожаатларга оид қонунчиликни ҳозирги давр призмаси ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаганлиги ушбу мавзуда илмий иш олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ва таклифларни илгари суришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари институти тушунчасини очиб бериш, унинг ўзига хос белгилари ва ривожланиш босқичларини, мурожаатларнинг шакллари, турлари ва усулларини таҳлил қилиш;

мурожаатлар классификацияси, унинг аҳамияти, жорий этиш муаммоларини, мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принципларини тадқиқ этиш;

мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ёритиш, мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг доирасини янада кенгайтиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

мурожаатларни, жумладан, оғзаки ва электрон мурожаатларни кўриб чиқишни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини, кўриб чиқилишида алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлган мурожаатлар билан ишлашни таҳлил қилиб, уларни такомиллаштириш истиқболлари аниқлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш, мурожаатлар билан ишлашда моддий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашдаги муаммоларни аниқлаш, ечимлар таклиф қилиш;

мурожаатлар билан ишлашнинг рақамли трансформациясини самарали амалга ошириш тенденцияларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш маданиятини юксалтириш масалаларини таҳлил қилиш;

мурожаатлар билан ишлашга доир хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳуқуқ назариясини ривожлантириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида юзага келадиган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини мурожаатлар билан ишлашга доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни

қўллаш амалиёти материаллари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд ғоялар, концептуал ёндашувлар, таълимотлар, илмий-назарий қарашлар ва бошқа манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб боришда илмий билишнинг тизимли ва функционал таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик, социологик сўровлар ўтказиш, индуктив ва дедуктив таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳар бир шахснинг махсус тузилган коллегиялар (комиссиялар)га ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмларини белгилаш, “Фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган;

муурожаатларнинг ягона классификаторини ишлаб чиқиб, уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқлаш зарурлиги асослаб берилган;

муурожаатларда кўтарилаётган муаммолар асосида қарорлар қабул қилишни таъминлаш мақсадида Тизимли тадқиқотлар институти фаолиятини йўлга қўйиб, мазкур муассасада давлат органлари ва ташкилотларининг муурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича масъул ходимларини мунтазам ўқитиш зарурлиги асослаб берилган;

оммавий қабулларни ташкил этиш ва ўтказиш, ушбу тадбирлар давомида келиб тушган муурожаатлар билан ишлашни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, шу билан бирга, муурожаат қилувчиларни онлайн қабул қилиш тизимини оммалаштириш зарурлиги асослаб берилган;

республика бўйича барча муурожаатларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва муурожаатлар билан ишлаш ҳолатини самарали назорат қилиш, муурожаат қилувчилар томонидан ўз муурожаатларининг кўриб чиқилишини ҳар қандай босқичда кузатиб бориш имконини берувчи ягона миллий онлайн платформа (Виртуал ахборот тизими) яратиш зарурлиги асослаб берилган;

давлат органлари ва ташкилотларининг муурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларни ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонларини ишлаб чиқиш, ҳар бир ходим учун белгиланган кунлик ва ойлик меҳнат нормасининг вақт меъёрларини аниқлаш, бунда минимал штат бирлигини бир нафар этиб белгилаш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш, жумладан:

а) муурожаат қилиш ва кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш мақсадида 3, 6, 7, 21, 27-моддаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

б) муурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари мазмунини очиқ беришни назарда тутувчи 4¹-4⁶-моддалар билан тўлдириш;

в) “Ёшларнинг муурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган янги 24²-модда билан тўлдириш;

г) “Маҳкумларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган янги 24³-модда билан тўлдириш;

д) “Жамоавий мурожаатга жавоб” деб номланган 27¹-модда билан тўлдириш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда “Фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган адабиётлар ва миллий қонунчилик ҳужжатлари расмий манбалардан олинган бўлиб, белгиланган талаблар асосида ҳавола қилинган, илмий-тадқиқот иши якуни бўйича давлат-ҳуқуқий фанларга тегишли илмий-назарий қарашларни умумлаштириш, тадқиқ этиш, ҳуқуқий категориялар, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва социологик сўров натижалари асосида назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган, шу билан бирга, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётга жорий қилинганлиги ва бу тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий, хорижий нашрларда эълон қилинганлиги тадқиқот хулосаларининг ишончлилигини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижалари мурожаатлар билан ишлашнинг назарий асосларини ривожлантиришга, мурожаатларга оид қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилади, тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, мурожаатларга оид қонунчилик нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Қиёсий конституциявий ҳуқуқ”, “Конституциявий ҳуқуқнинг илмий-амалий муаммолари” фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади, шунингдек, тадқиқот натижаларидан юриспруденция ва психология йўналишларида янги илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолияти, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга ҳамда олий юридик таълим муассасаларида маъмурий ва конституциявий ҳуқуқ фанларини ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг амал қилиши татбиқ этилмайдиган ҳолатларни кўрсатиш, асосий тушунчалар мазмунини ёритиш, электрон мурожаатларни электрон рақамли

имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолияти, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш, айрим мурожаатларни кўриб чиқиш, мурожаатларни кўрмай қолдириш каби механизмларни белгилаш бўйича таклифлар 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ–445-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 3, 9–13, 25 ва 29-моддаларини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2020 йил 29 майдаги 05/1-01-113-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши мурожаатлар билан ишлашга доир янги ҳуқуқий механизмларнинг амалга киритилишига, мурожаат қилиш жараёнлари соддалаштирилишига, мурожаатларнинг кўриб чиқиши ва ҳал этилиши янада такомиллаштирилишига хизмат қилган;

оммавий қабулларни ташкил этиш ва ўтказишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 27 февралдаги АФ-210-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари томонидан оммавий қабуллар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1–32-бандлари ва иловаларини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 2 мартдаги 07-1-841-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан ташкил этилаётган ва ўтказилаётган оммавий қабулларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ аниқ ҳуқуқий механизмларнинг белгиланишига хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳанинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметига тааллуқли жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганишига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлилини амалга оширишига оид таклифлар 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошиси ҳамда 53-моддаси иккинчи қисми матнини баён этишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 2 июндаги 12-18-8-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида ўткир муаммоларнинг тизимли ҳал этилишига, уларнинг ҳаётий ва халқчил бўлишига хизмат қилган;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашга оид таклифлар 2021 йил 4 июндаги ЎРҚ–692-сон “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 11 июндаги 19-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, ташкилотлари ва улар мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқ белгилашга, ўзларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашга хизмат қилган;

Конституциявий судга мурожаат қилишга, келган мурожаатларнинг рўйхатдан ўтказилишига, ҳал этилиши Конституциявий суд ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаатлар белгиланган тартибда, қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига киритилган тегишли давлат органларига, ташкилотларга ва мансабдор шахсларга беш кунлик муддатдан кечиктирмай юборилиши кафолатланишига оид таклифлар 2021 йил 27 апрелдаги ЎРҚ–687-сон “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 31-моддасини баён этишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судининг 2021 йил 21 июндаги Б-н-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланишига, келиб тушган мурожаатларнинг рўйхатга олиниб, кўриб чиқилишини таъминлашга, ҳал этилиши Конституциявий суд ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаатларнинг қисқа вақтда тегишли манзилга юборилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари тўртта халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ҳамда илмий тўпламларда нашр этилиб, синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, битта монография, 22 та мақола (21 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн тўрт параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети ёритилган, шунингдек, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари институтининг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари институти тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш босқичлари, шунингдек, мурожаатлар шакллари, турлари, усуллари ҳамда мурожаатлар классификацияси ва жорий этиш муаммолари, бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги қиёсий ўрганилган ҳолда илмий-амалий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертант соҳа мутахассислари, олимлар ҳамда миллий ва хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси таҳлили асосида мурожаат қилиш тушунчаси, унинг белгилари юзасидан ҳозирга қадар миллий ва халқаро миқёсда методологик ҳамда қонунчилик нуқтаи назардан ягона оптимал ёндашув шаклланмаганлигини баён этган.

Диссертант томонидан мурожаатлар институти тушунчаси ва белгилари юзасидан О.Хусанов, С.Юсупов, С.Васильева, А.Драков, А.Любимова, А.Савоськин, И.Саидов, Д.Сергеева каби олимлар фикрлари ҳамда қатор хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, мурожаатлар институти моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш мақсадида тадқиқотчи томонидан олимларнинг қарашлари “мурожаатлар – фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши шакли”, “мурожаатлар – давлат функциясини амалга ошириш шакли”, “мурожаатлар – бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш воситаси” каби назарияларга ажратилиб, уларнинг моҳияти ҳамда ҳар бир назария доирасида мурожаатлар институтининг энг муҳим жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотчи мурожаатлар институтининг конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида қуйидаги белгиларини санаб ўтган: а) мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам бошқа конституциявий ҳуқуқлар каби асосий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади; б) мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш тартиби бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган ва ушбу ҳуқуқдан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва эркинликлар учун ҳуқуқий негиз ҳисобланади; в) мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқи олий юридик кучга эгадир; г) мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилинади. Жумладан, диссертацияда Ўзбекистонда конституциявий нормаларнинг

ривожланиши таҳлили асосида мазкур ҳуқуқ илк маротаба 1978 йилда конституциявий норма даражасида ўрнатилганлиги қайд этилган.

Хорижий давлатларда белгиланган конституциявий нормалар таҳлили асосида тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ва 2014 йилдан мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилигимиз предмети доираси билан тўлиқ қамраб олинган мурожаат қилиш ҳуқуқининг барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилганлиги ижобий ҳолат, деб баҳоланган.

Диссертацияда миллий қонунчиликда мурожаат қилинадиган субъектлар доираси борасида қатор муаммолар мавжудлиги, жумладан, махсус комиссиялар томонидан мурожаатларни қўриб чиқилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, бундай ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ механизмларини белгилаш лозимлигини асослантириб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда мурожаат қилинувчи субъектга нисбатан “маъмурий орган” атамасини қўллаш ҳамда мурожаат қилинувчи субъектлар сифатида маъмурий органлар, давлат муассасаси ва халқ вакилларини белгилашни таклиф этилган.

Диссертант томонидан олимларнинг фикрлари, миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида мурожаатлар институтининг белгилари ажратилган ҳамда мурожаат тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Шунингдек, диссертацияда Ўзбекистон ҳудудида аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг тарихан шаклланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, ушбу институтнинг ривожланишини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиб таҳлил қилиш таклиф этилган: 1-босқич: кишилиқ жамиятининг энг қадимги даврдан мамлакатимиз ҳудудига ислом дини кириб келгунга қадар (VII аср) бўлган давр; 2-босқич: ислом дини кириб келгандан (VII аср) Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро, Хива ва Қўқон) бўлган давр (XX аср); 3-босқич: 1920 йилдан 1991 йилгача бўлган давр; 4-босқич: 1992 йилдан 2017 йилгача бўлган давр; 5-босқич: 2017 йил ва ундан кейинги давр.

Тадқиқотчи томонидан мурожаатлар шакллари тадқиқ этилиб, айрим мамлакатларда (Озарбайжон, Бахрайн, Германия, Греция, Испания, Қувайт, Мексика, Никарагуа, Туркия) мурожаатлар фақат ёзма шаклда берилиши белгиланганлигини қайд этиб, миллий қонунчиликда мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон шаклда берилиши ҳолатини ижобий баҳолаган.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган оғзаки мурожаатнинг шахсий, сайёр ёки оммавий қабул, видеоконференцалоқа воситасида, ишонч телефони ёхуд тезкор алоқа телефонлари орқали қилинадиган шакллари диссертацияда батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида оғзаки мурожаатларнинг аниқ шартлари, тартибини тўлиқ белгилаш, шу жумладан, “шахсий қабул”, “сайёр қабул”, “оммавий қабул”, “ишонч телефони”, “тезкор алоқа телефони (call-марказ)” каби тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига турли масалалар юзасидан мурожаат қилса-да, мурожаатнинг қонунчиликда

мустаҳкамланган ариза, шикоят ва таклиф турларини тўғри белгиланганлиги, қонунчиликка муурожаатнинг янги турларини киритиш зарурати мавжуд эмас, деб хулоса қилинган. Шунингдек, диссертант томонидан муурожаатларни тақдим этиш усуллари таҳлил қилинган ҳолда “якка тартибдаги муурожаат” ва “жамоавий муурожаат” усуллари юзасидан хулосалар билдирилган.

Тадқиқотчи томонидан муурожаатлар классификацияси тушунчаси, уни жорий этишдаги муаммолар ва ечимлар таҳлил қилиниб, муурожаатлар муурожаат қилиш усулига кўра – якка тартибдаги ва жамоавий; шаклига кўра – оғзаки, ёзма ва электрон; турига кўра – ариза, таклиф ва шикоят; муурожаат этувчи субъектига кўра – жисмоний ва юридик шахслар; муурожаат қилинувчи субъектга кўра – давлат органи, ташкилот ва мансабдор шахс; шунингдек, бошқа тоифаларга кўра (такрорий муурожаат, дубликат муурожаат, аноним муурожаат) таснифланиши мумкинлиги эътироф этилган.

Тадқиқот ишида замонавий классификаторда муурожаатлар мазмунига мавзули ёндашувни қўллаш аксарият давлатларда самарали усул сифатида расман тан олинганлиги кўрсатилган ҳолда, классификацияда муурожаатларни уларда кўтарилган масалалар бўйича таснифлаш – “мавзули классификация” тизимини жорий этиш орқали “муурожаатларнинг ягона классификатори”ни ишлаб чиқиш, уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқлаб, амалиётга жорий этиш таклиф этилган. Ўз навбатида, классификатор динамик хусусиятга эга эканлигини инобатга олиб, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боришнинг соддалаштирилган механизмларини, бунга масъул ваколатли органни белгилаш, унинг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда классификаторни янгиланган ҳолатда юритиш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш масаласи ҳал этилиши зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг концептуал ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, унда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, муурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва муурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари ҳамда мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг кафолатлари каби масалалар таҳлил қилинган. Бунда тадқиқот объекти юзасидан З.Исломов, М.Миракулов, А.Саидов, Н.Салаев, Ш.Уразаев, О.Антонова, В.Борченко, О.Гапонов, Т.Дуванов, В.Екатерина, А.Китаева, Н.Мельникова, К.Минаев, М.Нисенбаум, Б.Терешин, В.Филимонов, Д.Шишкин, Suat Çubukçu каби олимлар фикрлари ҳамда қатор хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган.

Мазкур бобда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай давлат органи ва муассасасига муурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги конституциявий норма даражасида мустаҳкамланганлиги эътироф этилиб, қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилган:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги бўйича хулоса сўраб Конституциявий судга тўғридан-тўғри муурожаат қилиш ҳуқуқини қонун билан мустаҳкамлаш, ўз навбатида, тааллуқли

бўлмаган мурожаатлар ҳам келиши ҳисобига Конституциявий судда иш ҳажми ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу механизмнинг аниқ тартиб-таомилларини, хусусан, мурожаат қилишга оид талабларни (чекловлар қўймаган ҳолда) “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда мустаҳкамлаш лозимлиги таклиф этилган;

2) жисмоний ва юридик шахслар ташаббуси асосида қонун нормаларини такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда қонунчилик ташаббуси субъектларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилган. Хорижий мамлакатларда бу борада ижобий тажриба мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Беларусь Республикаси Конституциясининг 99-моддасида сайлов ҳуқуқига эга бўлган 50 мингдан кам бўлмаган фуқаролар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. “Беларусь Республикаси фуқароларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Миллий Мажлис Вакиллар палатасида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган қонун лойиҳаларини Вакиллар палатасига киритиш ҳуқуқи ҳисобланади. Бевосита фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи аксарият Европа мамлакатларида тан олинган. Жумладан, Албания (81-модда), Андорра (58-модда), Австрия (41-модда), Венгрия (28-модда), Грузия (45-модда), Испания (87-модда), Италия (71-модда), Латвия (64-модда), Литва (68-модда), Лихтенштейн (64-модда), Македония (70-модда), Польша (118-модда), Португалия (167-модда), Руминия (73-модда), Словения (88-модда) ва Швейцария (138-модда) конституцияларида фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мавжуд.

Диссертант томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари белгиланган бўлса-да, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилмаганлиги, қонуннинг барча нормаларини ёритишда, тўғри тушунишда ва уларни амалда қўллашда ушбу принципларга қатъий амал қилиш зарурлиги билдирилиб, қонунда ҳар бир принципнинг мазмуни ва ҳуқуқий шартлари очиб берилиши лозимлиги асослантилган. Шу сабабли, қонунни “Қонунийлик принципи”, “Мурожаатларни ўз вақтида, холисона ва тўлиқ кўриб чиқиш принципи”, “Мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги принципи”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши принципи”, “Мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги принципи”, “Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги принципи” деб номланган 4¹–4⁶-моддалар билан тўлдириш, шунингдек, қонунга “мурожаатларнинг оқилона муддатларда кўриб чиқилиши”, “мурожаат қилиш ҳуқуқининг суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги” хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида мурожаатларни кўриб чиқишда “ҳисобдорлик”, “хизмат вазифаларини бажаришда шахсий жавобгарлик” принципларини киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотчи томонидан қонунчиликда белгиланган мурожаат қилиш ҳуқуқи давлат томонидан қафолатланмаса ёки уни қафолатлашнинг механизмларига аниқлик киритилмаса, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилишида унинг туб моҳияти ўзгариши, кўзланган ўта муҳим мақсадларга эришиб бўлмаслиги билдирилиб, диссертацияда мурожаат этиш ҳуқуқининг қафолатлари рўйхати саналган ҳамда уларнинг айрим мунозарали жиҳатларига эътибор қаратилган.

Маҳкумларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига монеликсиз мурожаат қилиш ҳуқуқини қафолатлаш, телефон орқали қилган мурожаатларини чегараси белгиланган телефонларда гаплашиш сонига киритмаслик, жазони ижро этиш муассасаларида шаффоф қутилар ташкил қилиш, уларнинг тегишлича вилоят Халқ қабулхонаси мудир иштирокида маълум бир муддат ичида очилиши, бундай мурожаатларнинг кўздан кечирилмаслигини назарда тутувчи нормалар киритиш, шунингдек қийноқлар, виждон эркинлиги билан боғлиқ мурожаатларини монеликсиз, кўздан кечирмасдан, тезда тегишли ташкилотлар (мансабдор шахслар)га юборилишини таъминлаш механизмлари, маҳкумларга электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига доир нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш лозимлиги билдирилган. Шу мақсадда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунни “Маҳкумларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 24³-модда билан тўлдириш таклиф этилган.

Шунингдек, хорижий давлатларда (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Беларусь Республикасида) мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалга ошириш қафолатларини таҳлил қилиб, миллий қонунчиликда бу масалалар билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш мақсадида:

- мурожаат этиш муносабати билан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини бузмаслик шартлари, механизмларини янада аниқроқ белгилаш;

- “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасини мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахслардан тўлов ундирилмаслигини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдириш таклифи илгари сурилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Мурожаатларни кўриб чиқиш тартибига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш”**га бағишланган бўлиб, унда тадқиқотчи томонидан мурожаатларни кўриб чиқишнинг умумий қоидалари, оғзаки ва электрон мурожаатларни кўриб чиқиш хусусиятлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, шунингдек, кўриб чиқилишида алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлган мурожаатлар билан ишлашни такомиллаштириш истиқболлари ёритилган. Бунда тадқиқот объекти юзасидан Р.Кучкаров, G. Rowe, L. J. Frewer, Shafiq Ibrahim AL-Haddad, Thiago Tiburcio, А.Агеева, Л.Андриченко, В.Астанин, Ж.Гаунова, С.Зубарев В.Комарова, Ю.Меженин, В.Мещерягина, И.Плюгина, Е.Полякова, С.Сабаева, А.Савоськин, К.Торопова, О.Филонова каби олимлар фикрлари ҳамда қатор хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборатлиги таъкидланган: 1) мурожаат матнини шакллантириш ва кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органига (мансабдор шахс)га бериш; 2) мурожаатни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш; 3) мурожаатни кўриб чиқиш; 4) мурожаатга жавоб бериш; 5) мурожаатни назоратдан чиқариш.

Диссертант томонидан давлат органлари ва ташкилотларида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил қилиш учун қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилди:

- фуқаролар илгари ёзган мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларидан норозилик билдирган бўлса, бундай мурожаатларни бевосита юқори турувчи ташкилот аралашуви билан (зарур ҳолларда, бошқа давлат органлари вакилларини ҳам жалб қилиб) синчковлик билан чуқур ўрганиш ва масалага имкон қадар “нуқта қўйиш” амалиётини кенгайтириш;

- мурожаатларни юзаки ва сифатсиз кўриб чиқиш ҳолатларига йўл қўйган, мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал қилишга жиддий ёндашмаган маъсул ходимларга, мансабдор шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва уларга белгиланган тартибда тезкор, таъсирчан чоралар қўллаш, аксинча, ишига сидқидилдан ва виждонан ёндашган ходимларни эса, доимий рағбатлантириб бориш;

- давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзларининг барча бўғинларидаги (марказий ва қуйи тизимларидаги) мурожаатлар билан ишлаш ҳолати танқидий таҳлил қилиб борилишини, шунингдек, янги қабул қилинаётган, ўзгартириш киритилаётган тегишли қонунчилик ҳужжатлари мазмуни тўғрисида маъсул ходимлар ўз вақтида хабардор қилиб борилишини таъминлаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, мурожаатлардаги муаммоларни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларда қўйилган тизимли масалаларни ҳал қилишга эътибор қаратиш;

- мурожаатлар билан ишловчи ходимларнинг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадида тизим ташкилотлари учун ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаган ҳолда, хусусан видеоконференцалоқа шаклида, ўқув ва амалий семинарлар ташкил этиб бориш.

Оғзаки мурожаатлар билан ишлаш жараёнини таҳлил қилиш асосида тадқиқотчи томонидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилган: 1) шахсий қабул жараёни 4 та босқичга ажратилган, уларни ташкил этишда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари ҳуқуқларининг 8 та қўшимча кафолатини белгилаш ҳамда ўрнатилиши керак бўлган 6 та чеклов кўрсатилган; 2) оммавий қабулларнинг мурожаатларни қабул қилишнинг бошқа шакл, усул ва манбаларидан фарқ қилувчи 11 та ўзига хос хусусияти санаб ўтилган, уларни ўтказиш учун сабаб бўладиган 3 та, асос бўладиган 4 та ҳолат, бундай тадбирларни ташкил қилишдан олдин тегишли давлат органи, ташкилот ва мансабдор шахс томонидан амалга оширилиши лозим бўлган 8 та чора-тадбир белгилаб берилган; 3) давлат органи, ташкилоти ва

мансабдор шахс томонидан оммавий қабуллар ўтказиш бўйича чораклик, ярим йиллик ёки йиллик режа-жадвал (“йўл харитаси”) ҳудудлар (жамоалар, маҳаллалар), соҳалар ва муаммолар кесимида ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозимлиги; 4) оммавий қабулларнинг биринчи раҳбарлар томонидан ўтказилиши, қабул ўтказаетган мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги доирасини қонунчиликда аниқ белгилаш, оммавий қабуллар ўтказиши лозим бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш ва улар фаолиятига баҳо беришда ушбу вазифанинг қай даражада бажарилганлигини инобатга олиш тавсия этилган; 5) телефонлар орқали мурожаат қилиш, бундай мурожаатларнинг кўриб чиқилиши кафолатланиши; 6) мурожаатларни видеоконференцалоқа воситасида қабул қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тавсия этилган.

Диссертацияда электрон мурожаатлар билан ишлаш, бу борада юзага келаётган муаммолар ва мунозарали ҳолатлар алоҳида тадқиқ этилган. Жумладан, статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган электрон мурожаатлар 2017 йилда 291 792 та, 2018 йилда 138 175 та, 2019 йилда 110 995 та, 2020 йилда 128 651 тани ташкил этган. Аммо, ҳозирда электрон мурожаатлар билан ишлашни назарда тутувчи қонунчилик сезиларли даражада замондан орқада қолаётганлиги қайд этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан мурожаатларнинг электрон шаклини қўллаш амалиёти қуйидаги бир қатор одатий муаммоларни кўрсатганлиги қайд этилган: а) кўп ҳолларда электрон ҳужжат кўринишида мурожаат юбориш жуда оддий процедура бўлишига қарамай, кўпчилик фуқаролар ҳали ҳам техник қурилмалар билан ишлаш учун зарур кўникмаларга ёки зарур техник имкониятларга эга эмаслар (масалан, материалларни бириктиришда қийинчиликлар мавжуд); б) мурожаат қилиш ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш фактлари мавжуд: бир хил матнли хабарлар оммавий равишда турли давлат органларига юборилган ва бир неча мартаба; в) идентификация қилиш муаммоси мавжуд, амалда кўрсатилган маълумотлар кўпинча нотўғри ва электрон почта манзили “бир марталик” мақсадлар учун яратилган бўлади; г) мурожаатга жавоб берадиган мансабдор шахс ҳар доим ҳам муаммонинг моҳиятига асосли жавоб бериш учун тегишли даражадаги профессионал малакага эга эмас ва ҳоказо.

Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган қоидалар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда электрон мурожаатларга қўйилган талаблар билан таққосланиб, тадқиқотчи томонидан аниқ хулосалар билдирилган.

Таҳлиллар асосида “электрон мурожаат”, “ягона идентификация тизими” тушунчаларига таъриф бериш, “Mening fikrim” веб-портали орқали бериладиган электрон жамоавий мурожаатларга доир умумий талаб ва қоидаларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаш таклиф этилган.

Кўриб чиқилишида алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлган мурожаатлар билан ишлаш масаласи ўрганилиб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг

муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилган:

- “ёшларнинг муурожаатлари” тушунчасига таъриф бериш ва “ёшларнинг муурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 24²-модда билан тўлдириш;

- хорижий давлатлар юрисдикцияси билан боғлиқ бўлган муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

- ҳал этилиши бошқа давлатлар юрисдикцияси билан боғлиқ бўлган, бироқ аҳолини қийнаётган, ёрдам сўрашга мажбур қилаётган масалалар ва муаммоларнинг ижобий ечим топишига хизмат қилувчи халқаро шартномалар тузиш масаласини ҳал қилиш (масалан, маҳкумларни чет элдан, хусусан, Россия, Сурия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитойдан Ўзбекистонга кўчириш бўйича ушбу давлатлар билан шартномалар тузилмагани сабабли, амалда бундай масалалар кўтарилган муурожаатларни ижобий ҳал қилиш имкони мавжуд эмас).

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби “**Муурожаатлар билан ишлашга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар**” деб номланиб, унда давлат органлари ва ташкилотларининг муурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, муурожаатлар билан ишлашнинг рақамли трансформациясини самарали амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат қилиш маданиятини юксалтириш, муурожаатлар билан ишлашда моддий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш муаммолари тадқиқ этилган. Бунда тадқиқот объекти юзасидан Р.Кучкаров, Beverly Henkel, Rosdi Bin Haji Abdul Aziz, Е.Бахтаирова, Е.Гузенко, С.Сергеева, Г.Худоёрова, О.Цыбулевская каби олимлар фикрлари ҳамда қатор хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган.

Расмий статистик маълумотларга кўра, аҳолининг интернет билан таъминланганлиги 100 та доимий аҳолига нисбатан ҳисобланганда, 2015 йилда 26,6 кишига, 2020 йил якуни бўйича 58,4 кишига тўғри келган. Демак, ушбу даврда аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги 100 та доимий аҳолига нисбатан ҳисобланганда, 66 кишидан 80 кишигача ошган. Диссертацияда шу каби статистик ва илмий-назарий маълумотлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур тадқиқ этилиб, муурожаатлар билан ишлашнинг рақамли трансформациясини самарали амалга ошириш тенденцияларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, тадқиқотчи томонидан келгусида аҳоли муурожаатлари билан ишлашда ахборот технологияларини қўллашнинг қуйидаги асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

- давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан оғзаки муурожаатларни реал вақт режимида қабул қилиш ва муурожаат қилувчини эшитишни видеоконференцалоқа воситасида ташкил этиш амалиётини кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асослари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- телефон орқали оғзаки муурожаатларни қабул қилишда ахборотни матнли шаклга ўтказиш технологияларини жорий қилиш, жумладан, аҳоли муурожаатларини қабул қилувчи ягона “Қўнғироқлар маркази” фаолиятини йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш;

- матнли ахборотни қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш асосида мурожаатда кўтарилган муаммоларни инсон омилисиз таснифлаш ва мурожаатни кўриб чиқишга масъул ташкилотни белгилаш тизимини жорий этиш ва самарадорлигини ошириш;

- мурожаатлар билан ишлашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, масъул ходимларнинг ахборот тизимида ишлашига фақат электрон рақамли имзо асосида рухсат бериш;

- мурожаатлар билан ишлаш жараёнида маълумот ва ҳужжатлар алмашинуви жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш;

- мурожаат қилувчиларга мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига нисбатан муайян вақт оралиғида онлайн равишда муносабат билдириш имкониятини яратиш;

- аҳоли муаммолари билан ишлашда нафақат мурожаатларда кўтарилган муаммолар, балки ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган муаммоларни ҳам ягона тизимда рўйхатга олиб, идоралараро ҳамкорлик асосида кўриб чиқилишини таъминлаш;

- мурожаатларда кўтарилган, шунингдек, “фуқаробай”, “маҳаллабай”, уйма-уй юриб аниқланган муаммолар бўйича тўпланган катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, визуализациялаш бўйича сунъий интеллектга асосланган ихтисослашган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- геолокация технологияларини жорий этиш орқали муаммолар юзага келган манзил тўғрисидаги маълумотлар асосида республика бўйича турли соҳалар кесимида кўтарилган муаммолар хариталарини шакллантириш, мазкур воситалардан таҳлилий мақсадларда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш;

- мурожаатларни кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш натижаларини назорат қилиш босқичида идоравий маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Тадқиқот ишида аҳолининг мурожаат қилиш маданиятини оширишга оид тизимли ва манзилли тадбирлар кўрилиши зарурлиги асосланган. Қонунчиликда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари билан боғлиқ харажатлар таснифини белгилаш лозимлиги асослантирилган, жумладан:

1) давлат органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ алоҳида модда киритиш;

2) тегишли соҳаларда давлат органлари ва муассасаларига келиб тушаётган мурожаатларни ҳар чорақда таҳлил қилиб бориш, бунда соҳадаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларнинг бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) мурожаатларга оид харажатларни қоплаш, шунингдек, аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш, давлат органлари ва муассасаларида мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлат органлари ва муассасаларида “муурожаатларнинг ҳал этилишини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”ни ташкил этиш ёки ушбу соҳага йўналтириш учун маблағларни, ҳисоб-китобларни алоҳида ҳисобварақда юритиш;

4) ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳужжатлар йиғмажилдига “ҳаражатлар варағини” тўлдириш ва илова қилиш амалиётини жорий этиш таклиф этилган.

ХУЛОСА

Илмий-тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулоса, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Мурожаат тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади:

муурожаат – бу маъмурий органлар, давлат муассасалари, мансабдор шахслар ҳамда халқ вакилларига жисмоний ва юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри ёки вакиллари орқали ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, тиклаш, ҳимоя қилиш, шунингдек, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш мақсадида яқка тартибда ёки жамоа бўлиб, ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда ариза, таклиф, шикоят орқали ифодаланган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келадиган конституциявий қафолатланган иродасини ифодалаш шакли.

Шунингдек, “давлат органи”, “давлат муассасаси”, “халқ вакиллик органилари”, “шахсий қабул”, “сайёр қабул”, “оммавий қабул”, “ишонч телефони”, “тезкор алоқа телефони”, “ариза”, “яқка тартибдаги муурожаат”, “жамоавий муурожаат”, “электрон муурожаат”, “ягона идентификация тизими”, “ёшларнинг муурожаатлари” каби тушунчаларнинг мазмуни юзасидан муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

2. Мурожаатлар институтининг қуйидаги ўзига хос белгиларини ажратиш мумкин: а) конституциявий-ҳуқуқий институт ҳисобланади; б) шахснинг иродасини ифода этади; в) тегишли манзилга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан берилади; г) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган субъектларга берилади; д) муурожаат қилувчи ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, тиклаш ва ҳимоя қилиш ҳамда давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш мақсадида берилади.

3. Мамлакатимиз ҳудудида муурожаатлар институтининг ривожланиши шартли равишда 5 та босқичга ажратиб ўрганиш тавсия этилади: *1-босқич*: кишилик жамиятининг энг қадимги даврдан мамлакатимиз ҳудудига ислом дини кириб келгунга қадар (VII аср) бўлган давр; *2-босқич*: ислом дини кириб келгандан (VII аср) Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро, Хива ва Қўқон) бўлган давр (XX аср); *3-босқич*: 1920 йилдан 1991 йилгача бўлган давр; *4-босқич*: 1992 йилдан 2017 йилгача бўлган давр; *5-босқич*: 2017 йил ва ундан кейинги давр.

4. Президент Виртуал қабулхонаси тизимида жорий қилинган амалдаги классификатор асосида муурожаатларнинг янгиланган ягона классификаторини ишлаб чиқиш, уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқлаш зарурати асослантирилган. Бунда муурожаатларни таснифлаш бўйича таҳлил қилиш

сифатини янада оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш, жумладан, ўзаро боғлиқ соҳаларда мурожаатлар сони ортиши ёки камайишига таъсирини прогноз қилиш имконини берадиган алгоритм ишлаб чиқиш таклиф этилади.

5. Ҳал этилиши бошқа давлатлар юрисдикцияси билан боғлиқ бўлган, бироқ аҳолини қийнаётган, ёрдам сўрашга мажбур қилаётган масалалар ва муаммоларнинг ижобий ечим топишига хизмат қилувчи халқаро шартномалар тузиш масаласини ҳал қилиш тавсия этилади.

6. Мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини мутахассис талаб этиладиган даражага кўтариш, унга мос бўлган малака талабларини ишлаб чиқиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича махсус фанни жорий этиб, уни ижтимоий (социология, психология каби) ва юридик соҳада мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқув дастурларига мажбурий фан сифатида киритиш таклиф этилади.

7. Мурожаатлар билан ишлашда ахборот технологияларини қўллашда истиқболда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш керак: 1) оғзаки мурожаатларни реал вақт режимида қабул қилиш ва видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш; 2) телефон орқали оғзаки мурожаатларни қабул қилишда ахборотни матнли шаклга ўтказиш технологияларини жорий қилиш, ягона “Қўнғироқлар маркази” фаолиятини йўлга қўйиш; 3) мурожаатда кўтарилган муаммоларни инсон омилсиз таснифлаш ва масъул ташкилотни белгилаш тизимини жорий этиш; 4) ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот тизимига киришга фақат электрон рақамли имзо орқали рухсат бериш; 5) маълумот ва ҳужжатлар алмашинуви жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш; 6) мурожаат қилувчилар билан СМС-хабар, электрон почта ва мессенжерлар воситасида қайта алоқа шаклларини йўлга қўйиш; 7) мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига нисбатан онлайн равишда муносабат билдириш имкониятини яратиш; 8) мурожаатларни, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган муаммоларни ҳам ягона тизимда рўйхатга олиб, идоралараро ҳамкорлик асосида кўриб чиқилишини таъминлаш; 9) маълумотларни таҳлил қилиш, визуализациялаш бўйича сунъий интеллектга асосланган ихтисослашган технологияларни жорий этиш; 10) геолокация технологияларини жорий этиш; 11) идоравий маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.

8. Давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини доимий ошириб боришга эътибор қаратиш, бюджет маблағларини ҳар бир йўналишга реал ҳолатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг фаол иштирокида алоҳида-алоҳида тақсимлаш, айнан аҳоли мурожаатлари билан ишлашга сарфланаётган маблағлар ҳақидаги маълумотларнинг жамоатчилик назорати учун очиклигини, шу орқали харажатлар миқдорининг ҳар бир ташкилот томонидан мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш даражасига мутаносиблигини таъминлаш тавсия этилади.

9. Мурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмалар фаолиятини янада жонлантириш, ходимларига босқичма-босқич қийинлашиб бориладиган аниқ, реал малака талабларини белгилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада

кучайтириш, кадрлар таркибини қайта кўриб чиқиш орқали масалаларнинг қуйи ва ўрта бўғинлардаёқ ҳал этилишига эришиш мумкин.

10. Ҳар бир давлат органи ва мансабдор шахснинг аҳоли муурожаатлари ва уларда кўтарилган масалалар билан ишлаш бўйича худудий ва/ёки соҳавий стратегияси, тактикаси бўлиши лозим.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Ҳар бир шахснинг зарур бўлганда, биринчи навбатда, маъмурий судга шикоят қилиши бўйича ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, фуқароларнинг қонунчиликни такомиллаштиришдаги иштироки кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, “Фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади.

2. Жисмоний шахсни “ногиронлик белгисига кўра” камситишга йўл қўйилмаслигини кафолатлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга тўғридан-тўғри муурожаат қилиш ҳуқуқини “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда мустаҳкамлаш зарур (*амалга киритилган*).

3. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонун нормаларини қуйидагилар орқали такомиллаштириш таклиф этилади:

- Қонуннинг барча субъектлар (ноҳуқумат ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари) учун бир хилда амал қилиши лозим бўлган талабларини аниқлаб, уларнинг барчага бирдай татбиқ этилишини белгилаш;

- муурожаат қилинадиган давлат институтларига нисбатан “маъмурий орган” атамасидан фойдаланиш, маъмурий органлар, давлат муассасаси ва халқ вакилларини муурожаат қилинувчи субъектлар сифатида белгилаш, шунингдек, махсус коллегиял органларга ҳам муурожаат қилиш имкониятини яратиш, уларга муурожаат қилишнинг ўзига хос қоидаларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан-тўғри муурожаат қилиш мумкин бўлган ҳолатлар ва асосларни, бундай муурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаш;

- “қонунийлик принципи”, “муурожаатларни ўз вақтида, холисона ва тўлиқ кўриб чиқиш принципи”, “муурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги принципи”, “жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши принципи”, “муурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги принципи”, “муурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги принципи” деб номланган 4¹–4⁶-моддалар билан тўлдириш, шунингдек, “муурожаатларнинг оқилона муддатларда кўриб чиқиши”, “муурожаат қилиш ҳуқуқининг суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги”, “муурожаатларни кўриб чиқишда ҳисобдорлик”, “хизмат вазифаларини бажаришда шахсий жавобгарлик” принципларини киритиш;

- мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахслардан тўлов ундирилмаслигини назарда тутувчи норма билан тўлдириш;

- мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қонунчилик ҳужжатларида йўналишлар ва масалалар бўйича алоҳида-алоҳида белгилаш;

- муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар номидан фақат уларнинг қонуний вакиллари мурожаат қилиши мумкинлигини, муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан ёзилган ёки бундай шахслар жамоавий мурожаатнинг муаллифларидан бири бўлган мурожаатлар кўриб чиқилмаслигига доир талабларни ўрнатиш;

- оғзаки мурожаатларнинг барча шакллари, шу жумладан, оммавий қабул ва телефонлар орқали мурожаат қилиш, бундай мурожаатлар кўриб чиқилиши қафолатланиши, улар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, жараёнларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, хусусан, оммавий қабуллар ўтказиш бўйича чораклик, ярим йиллик ёки йиллик режа-жадвал (“йўл харитаси”) ҳудудлар (жамоалар, маҳаллалар), соҳалар ва муаммолар кесимида ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим, бунда ҳар бир ҳудудда (вилоятлар) муаммолар ва мурожаатлар ҳажмидан келиб чиқиб йилда камида бир марта оммавий қабул ташкил қилиш ва ўтказишни режалаштириш таклиф этилади;

- электрон мурожаатларга нисбатан идентификация қилиш бўйича қатъий талаблар белгилаш, шунингдек, фуқароларни онлайн қабул қилиш тизимини жорий қилишга доир нормалар билан тўлдириш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган ва фақат электрон тизимда қайта ишланадиган мурожаатларни кўриб чиқишга нисбатан айрим соддалаштирилган тартибларни (*белгиланган муддатларни қисқартириш*) жорий қилиш;

- “Ёшларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган янги 24²-модда билан тўлдириш;

- “Маҳкумларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган янги 24³-модда билан тўлдириш;

- 6-моддани “Мурожаатлар ва мурожаат этувчиларга қўйиладиган талаблар” деб номлаш, уни тавсия этилган мазмундаги саккизинчи қисм билан ва “Жамоавий мурожаатга жавоб” деб номланган 27¹-модда билан тўлдириш, 21-моддаси тўртинчи қисмидаги “далолатнома тузилиб” сўзларини “ушбу камчиликларни тузатиш ёки бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда далолатнома тузилиб” сўзлари билан алмаштириш;

- мурожаатни кўриб чиқувчи ходимнинг ўзини-ўзи рад қилиши мумкинлигини назарда тутувчи, яъни манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган, шунингдек тегишли давлат органи ёки унинг ходимлари устидан мурожаат муаллифи томонидан тақдим этилган айблов ва фош қилиш материалларини айбланаётган ёки фош қилинган шахсга ёхуд давлат идорасига бериш тақиқланишини белгиловчи нормаларни киритиш;

- хорижий давлатлар юрисдикцияси билан боғлиқ бўлган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни белгилаш;

- барча бўғинларда биринчи раҳбарга бўйсунувчи мурожаатлар билан ишлаш бўйича мустақил ва алоҳида бўлинмалар ташкил этилишига доир қоидалар билан тўлдириш;

- ижтимоий тармоқлар орқали қилинаётган мурожаатлар, давлат органларининг расмий саҳифаларида ва улардаги берилаётган эълонлар, хабарлар остида ёзиладиган шарҳларда (comment), изоҳларда фуқаролар томонидан мурожаат мазмунида қолдирилган матнлар билан ишлаш (уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари) механизмларини тартибга солиш;

- мурожаатлар матни имкон қадар лўнда, тушунарли, оддий ва раво тилда баён этилишини ҳамда умумэътироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилишини, шунингдек, уларда ҳақоратли, уятли сўзлар ишлатилишининг тақиқланишини, умумқабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар билан тўлдириш;

- “Mening fikrim” веб-портали орқали бериладиган электрон жамоавий мурожаатлар бўйича талабларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 35-моддаси талабларига мувофиқлаштирган ҳолда, бундай тоифадаги мурожаатларга оид умумий талаб ва қоидалар билан тўлдириш;

- мурожаатлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссия (кенгаш) ташкил этиш, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаш.

4. Қонунчиликда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари билан боғлиқ харажатларнинг аниқ таснифини белгилаш лозим, жумладан:

а) давлат органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ алоҳида модда киритиш;

б) тегишли соҳаларда давлат органлари ва муассасаларига келиб тушаётган мурожаатларни ҳар чорақда таҳлил қилиб бориш, бунда соҳадаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларнинг бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) мурожаатларга оид харажатларни қоплаш, шунингдек, аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш, давлат органлари ва муассасаларида мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлат органлари ва муассасаларида “муурожаатларнинг ҳал этилишини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”ни ташкил этиш ёки ушбу соҳага йўналтириш учун маблағларни, ҳисоб-китобларни алоҳида ҳисобварақда юритиш;

г) ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳужжатлар йиғмажилдига “харажатлар варағини” тўлдириш ва илова қилиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

5. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддасини васийлар ва ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари юзасидан давлат органлари, давлат муассасалари ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилишга ҳақли эканлигини белгиловчи норма билан тўлдириш зарур.

6. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш, унда давлатнинг халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, халқ билан доимий, самарали мулоқот олиб боришни бош ғоя сифатида белгилаш зарурлиги, давлат хизматчиларининг халқ билан мулоқот қилиш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлашдаги аниқ вазифаларини белгилаш, халқ манфаатларини ифода этиш, жумладан, аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги даражасига кўра давлат органлари ва мансабдор шахсларни, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш таклиф этилади.

7. Мурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларни ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонларини ишлаб чиқиш, ҳар бир ходим учун белгиланган кунлик ва ойлик меҳнат нормасининг вақт меъёрларини аниқлаш, бунда минимал штат бирлигини бир нафар этиб белгилаш таклиф этилади.

8. Давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш орқали соҳада ишлашнинг жозибадорлигини ошириш, ходимларни мунтазам равишда ўқитиш, малакасини ошириш, Халқ қабулхоналарида стажировка ўташи бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш таклиф этилади.

9. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш маданиятини юксалтириш бўйича алоҳида стратегияни ишлаб чиқиш таклиф этилади.

10. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

III. Мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар:

1. Мурожаатларда кўтарилаётган муаммоларни таҳлил қилиб бориш ва натижалари асосида қарорлар қабул қилиш, фаолият йўналишларини белгилаб олиш мақсадида Тизимли тадқиқотлар институти фаолиятини йўлга қўйиш, унинг вазифа ва функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш таклиф этилади.

2. Республикада аҳоли мурожаатлари билан ишлашда ягона амалиётни йўлга қўйиш, мурожаатларини қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини яратадиган Республикада мурожаатлар бўйича ягона миллий Виртуал ахборот тизимини жорий этиш лозим.

3. Мурожаатларда кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, ҳокимлар, ҳудудий давлат органлари (ташкilotлар) раҳбарлари ҳисоботларини парламентда эшитишни ташкил қилишда депутатлар ва ҳисобот берувчилар эътибор қаратишлари лозим бўлган 14 та йўналиш кўрсатиб ўтилган.

4. Парламент палаталари, маҳаллий Кенгашлар ва ҳар бир депутат тегишли Халқ қабулхоналари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини билан аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишда доимий ҳамкорлик ўрнатиши керак.

5. Фуқаролардан давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари муаммолари ва ривожига доир таклифлар, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган муҳим ташаббус ва ҳужжатлар ҳақида фикрлар билдирилишини ҳам инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ахборот тизимини “regulation.gov.uz”, “Жамоатчилик фикри” каби платформалар билан ўзаро интеграция қилиш ва ҳамкорликда ишлаш масалаларини кўриб чиқиш тавсия этилади.

6. Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашда тегишли йўналиш ва мутахассисликлар (юриспруденция, психология, педагогика ва ҳ.к.) рўйхатини аниқлаб, уларда мурожаатлар билан ишлаш масалалари чуқур ўқитилиши лозим, шунингдек, истиқболда босқичма-босқич аҳоли мурожаатлари билан ишлашни ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлири, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида “Мурожаат қилиш ҳукуқи” номли махсус ўқув курсларини жорий этиш зарур.

7. Хорижий тилларда келиб тушаётган ҳамда уларда кўтарилган муаммони тушуниш масъуллар учун қийин бўлган мурожаатларни кўриб чиқишда ваколатли давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш таклиф этилади.

8. Мурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларнинг фақат биринчи раҳбарга бўйсундирилиши, мурожаатлар билан боғлиқ иш ҳажми кам бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш учун ажратилган штат бирликларини бундай иш ҳажми кўпайган давлат органлари ва ташкилотларига ўтказиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

9. Мурожаатлар билан ишловчи ходимларни лавозимга тайинлаш, овоз этиш масалаларини тегишлича Президент Администрацияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари билан келишиш тизимини жорий этиш ҳозирги вақтда самарали ҳисобланади.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари ўзларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати натижалари тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига доимий жойлаштириб бориш, улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш таклиф этилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL No DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.02
FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
AT THE TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

FAYZIEV OLIM RAIMKULOVICH

**IMPROVEMENT OF LEGISLATIVE DOCUMENTS RELATED
TO APPEALS OF INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES**

**12.00.02. – Constitutional law. Administrative law.
Finance and customs law**

**Doctoral (DSc) dissertation abstract
on legal sciences**

Tashkent – 2021

The topic of the doctoral dissertation (Doctor of Science) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2020.2.DSc/Yu127

The dissertation has been prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is published in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) and of “ZiyoNet” Information and educational portal (www.ziyo.net.uz).

Scientific supervisor:

Khusanov Ozod Tillabayevich

Doctor of Science in Law (DSc), Professor

Official opponents:

Tursunov Axtam Salomovich

Doctor of Science in Law (DSc), Professor

Mukhamedov Utkirbek Khazratkulovich

Doctor of Science in Law (DSc), Professor

Tulteev Ilyas Tavasovich

Doctor of Science in Law (DSc), Associate Professor

Leading organization:

**The National Center for Human Rights
of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will take place on December 11, 2021 at 10:00 am at the meeting of the Scientific Council DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh Street 35. Phone.: (99871) 233-66-36; Fax:(99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation can be reviewed at the Information resource center of the Tashkent State University of Law (registered under № 996). (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh Street 35. Phone.: (99871)233-66-36; e-mail: info@tsul.uz).

The abstract of the dissertation was submitted on November 29, 2021.

(Registry protocol №14 November 29, 2021).

R.R.Khakimov

Chairman of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

I.R.Bekov

Scientific secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

M.A.Axmedshaeva

Chairman of Scientific seminar under the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of the DSc thesis)

The actuality and relevance of the dissertation topic.

The basic laws of most countries in the world determine the rights of everyone to appeal as a constitutional and legal institution, and in that, a large-scale work, including scientific researches, aimed at comprehensive development of legislative acts on appeals of individuals and legal entities, analyzing and improving work with appeals in the context of particular spheres, are being carried out in this regard

In today's world experience, the main focus in the field of dealing with appeals is a wide involvement of psychologists in the process of working with appeals, establishment of activities of managers who deal directly with applicants, improving the skills and methodological support of those working with appeals, creating opportunities for regular monitoring and evaluation of the status of appeals by stakeholders at each stage, effective use of information technology facilities, creating platforms that provide an opportunity to everyone to get good quality and reliable information he/she needs, preventing the receipt of appeals through the use of formal and informal mediation models.

In Uzbekistan, the right of individuals and legal entities to appeal to state institutions is also guaranteed at the constitutional level, and in this regard, in order for every person to unconditionally exercise this constitutional right, the necessary conditions and legal norms have been created in past five years, particularly the activity of the Virtual Reception of the President of the Republic of Uzbekistan and People's Receptions has been established. Today, on the basis of the Development Strategy of the New Uzbekistan, the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev offers coordinated ideas to create additional legal bases for the transformation of People's receptions into a structure that literally expresses public will and monitors the state of work with appeals in our country by the parliament.

This research will serve to implement the tasks provided in relevant legislation and further improve the decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the system of dealing with appeals of individuals and legal entities" No. PF-4904 dated December 28, 2016, "On action strategy for further development of the Republic of Uzbekistan" No. PF-4947 dated February 7, 2017, "On measures to further improve the system of dealing with the problems of the population" No. PF-5633 dated January 17, 2019, "On the State Program for the implementation of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 in the "Year of Science, Enlightenment and Digital Economy" No. PF-5953 dated March 2, 2020 and also resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan "On organizing the activity of the People's Reception of the President of the Republic of Uzbekistan" No. PF-2721 dated January 6, 2017, "On approval of regulations related to the activities of People's receptions" No PF-4197 dated February 19, 2019.

The relevance of the research to the priority areas of development of science and technologies in the country. This research was prepared within the

framework of the priority area I. “Formation of a system of innovative ideas and mechanisms of their implementation in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democratic state”.

Review of the foreign studies on the topic of the dissertation¹. Scientific researches on working with appeals of individuals and legal entities, improving the legislation in this area are being undertaken in the world's leading scientific research centers and higher education institutions, including, University of Graz (Austria), University of Genova (Italy), Turība University (Latvia), Mykolas Romeris University (Lithuania), Valencia University (Spain), Brunel University, University of Bristol, University of Leeds, Durham University, Birkbeck College (UK), University of South Florida, St. John's University (USA), Norwegian Police University College (Norway), Grenoble Business School (France), University of Leiden (Netherlands), ETH Zurich, Dirk Brockmann Humboldt Universität zu Berlin, Robert Koch-Institute (Germany).

In foreign studies, models for automated classification of appeals were developed (Wuhan University), it was identified that with the resolution of the appeals the link between the loyalty (positive attitude) of the applicants is higher in women than in men, and as the culture of the applicant increases, this link is further strengthened (Michigan State University), it was demonstrated that the system of effective work with applicants in the field of healthcare (Ulster University) and railway should be aimed at the benefit of applicants and have the features to be free, uncomplicated and easy to use, simple and understandable, objective and fair, open and accountable, as well as constantly improving (Queen Margaret University), legal mechanisms for the protection of informers of shortcomings in workplaces were developed (University of Oslo, University of Greenwich), dynamics of votes collection of electronic petitions were analyzed, effective methods were introduced, aimed at maximum votes collection in the first hours of the petitions' vote collection process, envisaging the use of social networks for their wide spread (University of Oxford).

Globally studies are carried out in the following priority areas in order to improve the work with applicants from the organizational and legal point of view, including in terms of efficiency, openness, transparency, result, provision of the necessary information and resources, as well as to ensure legal protection of persons reporting cases of violations (whistleblowers) from the effects that may lead to harassment, loss of job, discredit and other forms of material and moral damage: methods of working, managing and resolving appeals, regularity of satisfaction of applicants with the results of consideration of their appeals, protection of the right to information, automatic classification on the basis of

¹ Review of the foreign studies on the topic of the dissertation: www.uni-graz.at/de, unige.it/en, www.turiba.uni, www.mruni.eu/en, www.uv.es/uvweb/college/en/university, www.ulster.ac.uk, www.qmu.ac.uk, www.msu.edu, www.usf.edu, www.stjohns.edu, en.whu.edu.cn, www.mdx.ac.uk, www.gre.ac.uk, www.brunel.ac.uk, www.bristol.ac.uk, www.politihogskolen.no/en, www.uio.no/english, en.grenoble-em.com, www.ox.ac.uk, www.leeds.ac.uk, www.durham.ac.uk, www.bbk.ac.uk, www.universiteitleiden.nl/en, ETH Zurich-www.ethz.ch, www.rocs.hu-berlin.de, www.rki.de.

